

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАЛОВ ХОЛМУРОД ХАКИМОВИЧ**

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ЎРТА ОҚИМИ ҲАВЗАСИ  
ЙЎСИНТОИФАЛАРИ**

**03.00.05 – Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Жалов Холмурод Хакимович**

Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси

йўсинтоифалари..... 3

**Жалов Холмурод Хакимович**

Мохообразные среднего течения

бассейна реки Зарафшан ..... 21

**Jalov Holmurod Hakimovich**

Mosses of the middle course basin of Zarafshan river ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАЛОВ ХОЛМУРОД ХАКИМОВИЧ**

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ЎРТА ОҚИМИ ҲАВЗАСИ  
ЙЎСИНТОИФАЛАРИ**

**03.00.05 – Ботаника**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/V185 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.floguz.uz](http://www.floguz.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳайдаров Хислат Қудратович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Хасанов Фуркат Орунбаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Јia Yu**  
биология фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «9» октябр куни соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: [botany@academy.uz](mailto:botany@academy.uz)).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2018 йил «24» сентябр куни тарқатилди.  
(2018 йил «24» сентябрдаги 7-рақамли реестр баённомаси)

**К.Ш. Тожибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Б.А. Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,  
катта илмий ходим

**Ф.О. Хасанов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда юз бераётган иқлим ўзгаришлари қурғоқчиликка ўта сезгир бўлган биологик хилма-хилликнинг муҳим компонентлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ўринда мохлар экологик пластиклигининг юқорилиги ва атроф-муҳит ҳолатига кўра ўзгарувчанлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, арид ҳудудларда улар ҳолатини баҳолаш ва экологик гуруҳларини асослаш қурғоқчил ҳудудларда ўсимликлар оламини шаклланиши тўғрисидаги маълумотларни тўлдиради. Шунга кўра, арид ҳудудларидаги мохларни инвентаризациялаш, уларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш, камёб турларни аниқлаш ва муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда бриофлористик тадқиқотлар табиий ва сунъий экосистемалар уйғунлашган локал ҳудудлардаги йўсинларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, мохлар ёрдамида абиотик муҳит компонентлари, жумладан, тупроқ ва атмосфера ҳолатини биомониторингини амалга оширишга қаратилмоқда. Бу ўринда: йўсинларни халқаро электрон базасини тузиш услублари такомиллаштирилди, йўсинлар орқали атмосферада микроэлемент ва оғир металллар миқдорини аниқлаш усули исботланди, камёб ва ноёб турлари тарқалиш ареалларини замонавий ҳолатини баҳолаш услублари ишлаб чиқилди, турларни тарқалиш ареалларини эколого-ценотик хусусиятлари учун EUNIS классификация тизими яратилди. Шу билан биргаликда, сўнгги йилларда Ўрта Осиёдаги табиий-географик ўрни ва шаклланишига кўра алоҳида аҳамиятга эга бўлган Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳудудининг кенг ўзлаштирилиши, ҳудудда турли саноат зоналарининг ташкил этилиши унда йўсинлар хилма-хиллиги қиёсий ўрганишни, ҳозирги ҳолатини баҳолашни, йўсинларни техноген ифлосланишларни белгиловчи табиий индикаторлар сифатидаги ўрнини белгилашни ва ишлаб чиқаришга жорий қилинишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси йўсинтоифа вакиллари рўйхатини тузиш, уларнинг экологик ва географик хусусиятларини аниқлаш ҳамда муҳим вакиллари ишлаб чиқаришга жорий этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда табиатни муҳофаза қилиш ва биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, ботаник-географик ҳудудлардаги ўсимлик дунёси объектларини инвентаризациялаш, камёб ва ноёб турлари популяцияларини муҳофазалаш ва улар коллекциясини яратиш борасида муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup>, жумладан, «...атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларини олдини олиш» вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга оширишда, жумладан, Зарафшон дарёси ўрта оқими йўсинтоифаларининг замонавий таксономик таркибини аниқлаш, конспектини тузиш, камёб ва ҳудуд учун

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

янги турларини аниқлаш, атмосфера ҳавоси таркибини биомониторинг қилишда индикатор йўсинларнинг аҳамиятини очиб бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Йўсинлар флорасининг таксономик, флористик, географик, экологик хусусиятлари ҳамда атроф-муҳитни ифлосланиш даражасини мониторинг қилишдан йўсинларнинг аҳамиятини ўрганиш хорижлик олимлардан Buse A., Norris D., Harmens H., Biiiker P., Ashenden T., Mills J. (2000, 2001), B. Wolterbeek (2002), R. Marstaller (2006), J. Glime (2015) Г.С. Таран (2001), А. Дьяченко (2011, 2012) ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Ўрта Осиё бриофлорасини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар асосан О.Ф. Газе (1947), Э.К. Рахматулина (1968), У.К. Маматкулов, И.О. Байтулин, С.Г. Нестерова (1998) ларнинг илмий ишларида келтирилган. Бироқ бу тадқиқотлар Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлорасини турлар таркибини замонавий ҳолатини очиб бера олмайди.

Помир-Олой тизма тоғлари орасида ўзига хос бриофлористик таркиби, унинг шаклланиши ва экологик, географик хусусиятларига эга бўлган ҳамда камёб, Ўрта Осиё бриофлораси учун илгари номаълум бўлган турларни ўзида сақлаган Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлораси бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу ўринда Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлорасининг замонавий ҳолатини очиб бериш, унинг конспектини тузиш, йўсинларни ўсимликлар қопламида тутган ўрнини, локал бриофлоралар бўйича йўсинларни тарқалишини асослаш, камёб ва Ўрта Осиё учун янги турларни асослаш ҳамда атмосфера ҳавоси таркибини биомониторинг қилишда йўсинларнинг аҳамиятини очиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-5-10 «Ўзбекистон тўқайлари ўсимликларини хилма-хиллигини ва келиб чиқишини ўрганиш» (2011-2015) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Зарафшон дарёси ўрта оқими бриофлорасининг конспектини тузиш ҳамда унинг экологик ва географик хусусиятларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифаси:**

Зарафшон дарёси ўрта ҳавзаси бриофлорасини тўлиқ инвентаризация қилиш;

бриофлоранинг таксономик таҳлил қилиш;

бриофлоранинг экологик хусусиятларини ўрганиш;

бриофлорани географик хусусиятларини ўрганиш;

бриофлорадаги камёб турларини аниқлаш ва уларнинг ГАТ хариталарини тузиш;

йўсинларни атмосфера ҳавоси таркибидаги металл ионлари миқдорини мониторинг қилишдаги аҳамиятини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлораси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Зарафшон дарёси ўрта оқими бриофлорасининг таксономияси, флористикаси, экологияси, географияси ҳамда атмосфера ҳавосини мониторинг қилиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда бриологик, анъанавий қиёсий морфологик ва анатомик, статистик, лаборатория таҳлил ва ГАТ хариталар тузиш услубларидан фойдаланилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзасидан йўсинтоифаларнинг 2 аждод, 11 қабила, 24 оила, 39 туркумга мансуб 78 тури аниқланган;

илк бор Ўрта Осиё бриофлораси учун 2 та янги тур: *Eurhynchium savatieri* Schimp. ex Besch., *Bryum terskeiense* Par. аниқланган;

эколого-флористик бирликлар асосида йўсинтоифалар яшаш жойларининг 3 та типи очиқ берилган;

бриофлоранинг намликка муносабатига кўра, географик элементлар ва субстратларда тақсимланишига кўра гуруҳлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон дарёси ўрта оқимида тарқалган камёб ва Ўрта Осиё бриофлораси учун янги турлар тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталар тузилган ва уларни муҳофаза қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

атмосфера ҳавоси таркибидаги металл ионлари миқдорини белгилашда фойдаланиладиган 9 та индикатор турлар аниқланган ва табиатни муҳофаза қилишда саноатлашган ҳудудлардаги оғир металллар миқдорини баҳолаш учун тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятига киритилганлиги, йиғилган гербарий намуналари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти Марказий гербарийси ҳамда Хитой Республикаси Пекин Ботаника институти гербарийсида сақланаётганлиги, тадқиқот натижаларининг тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзасидан аниқланган йўсинтоифаларнинг тўлиқ конспектини тузилганлиги, бриофлоранинг экологик ва географик хусусиятларини таҳлил қилиниши асосида унинг бошқа бриофлоралардаги ўрнини аниқланганлиги, ўсимликлар қопламидаги йўсинларнинг тарқалиш хусусиятларини асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни йўсинлар камёб турларини ГАТ хариталарини тузиш, улар тарқалган ҳудудларни аниқлаш ҳамда муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавоси таркибидаги кимёвий элементлар миқдорини аниқлаш ва мониторинг қилишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлорасини тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар асосида:

78 йўсин турларини тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 18 майдаги 03-03/2604-сон маълумотномаси). Натижада 6 камёб ва Ўрта Осиё бриофлораси учун янги бўлган 2 тур тарқалган ҳудудларни муҳофаза қилиш ва уларни сақлаб қолиш имконини берган;

атмосфера ҳавоси таркибидаги металл ионлари миқдорини аниқлашда фойдаланиладиган 9 та индикатор турлар рўйхати Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 18 майдаги 03-03/2604-сон маълумотномаси). Натижада саноат ҳудудлари атмосфера ҳавоси таркибидаги 7 та металл ионлари, жумладан, Pb ва Cd оғир металлари миқдорини йўсинлар орқали белгилаш ва ифлосланган ҳудудларни аниқлаш имконини берган;

йўсинларнинг 70 турга мансуб 72 нусха гербарий намуналари Хитой Фанлар академияси Пекин Ботаника институти Хитой Миллий гербарийси коллекциясига жорий этилган (Хитой Фанлар академиясининг 2018 йил 20 апрелдаги маълумотномаси). Натижада Хитой Миллий гербарийсининг Ўрта Осиё йўсинлари фондини бойитган ва йўсинларни Марказий Осиё бўйича маълумотлар базасини шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан

ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўрта Осиё бриофлораси таҳлили, тадқиқот материали ва услуби**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган бриологик тадқиқотларнинг кенг таҳлили ҳамда тадқиқот материали ва услуби келтирилган. Ўрта Осиёда дастлабки бриологик тадқиқотлар А. Федченко ва О. Федченко томонидан олиб борилган, кейинчалик А.Э. Регел, В.Л. Комаров, В.И. Липский, С.И. Корженский, Б.А. Федченко, революциядан сўнг В.Ф. Бротерус, С.М. Вислоух, А.А. Еленкин ва О. Федченколар тадқиқотлар олиб борган. Помир-Олой бриофлораси А.С. Лазаренко, П.И. Овчинников, К.С. Афанасьев томонидан ўрганилган. О.Ф. Газе Зарафшон водийси йўсинларни ўрганишга қаратилган ишида (1947) 49 тур йўсинларнинг флористик хусусиятлари тўғрисида маълумот келтириб ўтади. Йўсинларни ўрганишга қаратилган кенг қамровли тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларида А.М. Музафаров, А.Л. Абрамова, И.И. Абрамов, Э.К. Тайвел, М.С. Козлова, М.И. Годвинский, А.С. Лазаренко, Е.М. Лесняк, Л.И. Савич-Любицкий, У.К. Маматкулов, Б. Бобораджабов томонидан амалга оширилган.

Иккинчи бўлимда тадқиқот объекти, материали ва услублари келтириб ўтилган. Тадқиқот даврда Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзасидан баргпо्याли йўсинларнинг 400, жигарсимон йўсинларнинг 50 нусхадан иборат намуналари йиғилган (1-расм). Гербарий материалларини аниқлаш анъанавий анатомик-морфологик услублар ёрдамида ва кенг фойдаланиладиган аниқлагичлар («Определитель листостебельных мхов Арктики СССР», «Флора мхов средней части европейской России», «Флора мохообразных Таджикской СССР», «Определитель листостебельных мхов


Центральной Сибири» ёрдамида олиб борилди. Систематик гуруҳларни қайта ишлашда Institute of Botany, the Chinese Academy of Sciences State Key Laboratory of Systematik and Evolutionary Botany мутахассислари билан маслаҳатлашилди. Йўсинларнинг таксономияси “Chek-List of mosses of east Europe and north Asia” (Ignatov et al. 2006) томонидан ишлаб чиқилган тизими бўйича жойлаштирилган.

Диссертациянинг «**Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзасининг табиий шароитлари**» деб номланган иккинчи бобида ҳудуднинг геологияси, рельефи, иклими, тупроқлари, флораси ва ўсимликлар қоплами тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Зарафшон ҳавзаси шарқдан ғарбга 870 километрдан ортиқроқ чўзилган бўлиб, шимолий чегараси Туркистон тизмасининг сув айирғич чизиги, жанубий чегараси Ҳисор ва Зарафшон тизмалари орқали ўтади. Рельеф хусусиятларига кўра Зарафшон ҳавзаси уч қисмга бўлинади: 1) Юқори Зарафшон; 2) Ўрта Зарафшон; 3) Қуйи Зарафшон. Ўрта Зарафшонга Панжакентдан Навоий шаҳри яқинида (ғарб томонда) жойлашган Хазора қисқигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади.

Диссертациянинг «**Зарафшон дарёси ҳавзасининг ўрта оқими бриофлорасининг конспекти**» номли учинчи бобида аниқланган йўсинларнинг флора конспекти ва янги флористик топилмалари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

«Конспект ...» да таксонлар ўсимликлар оламининг замонавий тизимига мувофиқ келтирилган: оила ва туркумлар ҳажми ушбу тизимга мувофиқ қабул қилинди. Флоранинг конспектида 24 оила ва 39 туркумга мансуб бўлган 78 тур ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Дала тадқиқотлари ва гербарий намуналарини қайта кўриб чиқиш натижасида Зарафшон ҳавзасининг ўрта оқимида Ўрта Осиё бриофлораси учун илгари кўрсатилмаган 2 тур аниқланди.



**1-расм. Тадқиқот олиб борилган ҳудуд: намуналар йиғилган жойлар**

**Янги флористик топилмалар.** *Eurhynchium savatieri* Schimp. ex Besch. (*Brachytheciaceae* Roth.) Соядаги майин тупроқлар, қоялар, чириган ёғочларда, тоғларнинг ўрта минтақасида тарқалган; Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси Қоратепа тоғларида: Омонқўтонсой, Қўзичисойда (Жалов Х., Ја Уу; №043, д.с.б. 1285 м., 39.33086<sup>0</sup>N; 066.96754<sup>0</sup>E, 2016) аниқланди. Мезофит.

*Bryum terskeiense* Par. (*Bryaceae* Schwaegr.) курук жойларда, тошлоқ ва шағалли, водий ўтлоқлари, шунингдек, сой қирқоғлари, нам тошлар ва тупроқларда ўсади. Қоратепа тоғлари: Оҳалиқсой, Миронкулсой (Жалов Х., Ја Уу; №075, д.с.б. 1642 м.; 40.38.642 <sup>0</sup>N, 066. 41.259<sup>0</sup>E; 2014) терилган. Ксерофит.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлорасининг таксономик таҳлили**» деб номланиб, унда бриофлоранинг таксономик таркиби, етакчи таксонлари, камёб турлари ҳамда Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлорасини Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари билан қиёсий таҳлили баён этилган.

Биринчи бўлимда бриофлоранинг таксономик таркиби келтирилган. Бриофлора 2 аждод, 11 қабила, 24 оила, 39 туркумга мансуб 78 турни ташкил этади (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлорасининг таксономик таркиби

№	Аждодлар	Оилалар сони	Туркумлар сони	Турлар сони	Турлар умумий сонидан %
1	Marchantiopsida	2	4	5	6,41
2	Bryopsida	9	20	34	93,59
<b>Жами:</b>		<b>11</b>	<b>24</b>	<b>39</b>	<b>100</b>

Бриофлорада *Pottiaceae* Schimp. (16), *Bryaceae* Schwaegr. (9), *Grimmiaceae* Arnott. (10), *Dicranaceae* Schimp. (7), *Brachytheciaceae* Roth.(7), *Amblystegiaceae* Kindb. (4) оилалари етакчилик қилди. Бу оилалар 53 турни ўзида бирлаштириб, бриофлоранинг 67,9% ни ташкил этди. Ушбу оилалар Ўрта Осиёнинг бриофлорасида етакчи ўринни эгаллайди. Бриофлоранинг етакчи туркумлари: *Grimmia* Hedw. (9), *Bryum* Hedw. (9 тур), *Tortula* Hedw.(7), *Brachythecium* V.S.G. (5) ҳисобланади. Қолган туркумлар 4-3 дан турларни ўз ичига олган (2 -жадвал).


Бриофлоранинг турлар бойлигини умумий баҳолаш учун локал бриофлоралар билан солиштирма флористик таҳлиллар ўтказилди. Бундай таҳлиллар локал флора билан солиштириш учун мос объект бўлиб ҳисобланади (Бобораджабов, 2010). Бундай ҳолатда энг кўп аниқланган 4 та локал бриофлора таҳлил қилинди. Барча 4 та локал бриофлора турлари бирлашган рўйхатига 78 тур киритилди.

## Бриофлоранинг етакчи оилалари таҳлили

№	Оилалар	Турлар сони	Етакчи оилалар турлари сонидан % да	Жами турлар сонидан % да
1	<i>Pottiaceae</i> Schimp.	16	30,2	20.5
2	<i>Grimmiaceae</i> Arnott.	10	18,9	12.8
3	<i>Bryaceae</i> Schwaegr.	9	17,0	11.5
4	<i>Brachytheciaceae</i> Roth.	7	13,2	9,0
5	<i>Dicranaceae</i> Schimp	7	13,2	9,0
6	<i>Amblystegiaceae</i> Kindb.	4	7,5	5,1
<b>Жами:</b>		<b>53</b>	<b>100%</b>	<b>67,9%</b>

Локал минтақалар бриофлораларини ўзаро қиёслаш ўрганилаётган минтақалардаги йўсинтоифалар флорасини, унинг ўзаро алоқаларини ҳамда ўхшаш флораларнинг жойлашув ўрнини аниқлаш имконини беради. Минтақавий флораларни танлаш, ўрганилиш даражаси бўйича жойлаштириш, майдони ва экотипларнинг хилма-хиллиги нисбатан мураккаб вазибалардан ҳисобланади. Қиёслаш учун танланган локал флорани танлашда биз қиёсланадиган ҳудудларнинг кенгликларини яқинлигига эътибор қаратдик. Имконият борича бошқа омиллар ҳам ҳисобга олинди. Турли локал бриофлораларнинг йўсинлар флорасини рўйхатини қиёслашда Жаккар коэффициентидан фойдаланилди.  $K_j$  максимал кўрсаткичи бўйича локал бриофлораларнинг флористик умумийлик графиги тузилди (2-расм). Диссертацияда турли локал бриофлораларнинг ўхшашлик коэффициенти бўйича натижалар келтирилган. Йўсинтоифалар турлар таркиби бўйича нисбатан ўхшашлик биринчи ва иккинчи локал бриофлоралар ўртасида кузатилди.

1. Қоратепа тоғлари
2. Нурота тизмасининг жанубий қисми
3. Зарафшон тизмасининг шимолий қисми
4. Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғлари

2-расм. Локал бриофлораларнинг ўхшашлик коэффициенти ( $K_j$ )

Максимал кореляцион боғлиқлик услубини қўллаш орқали тузилган график қиёсланаётган локал бриофлораларнинг нисбатан яқин алоқасини кўрсатади. Расмдан ва ҳисоблаш натижаларидан кўринадики, Қоратепа тоғлари бриофлораси Нурота тоғларининг жанубий қисми бриофлорасига нисбатан яқинроқ ўхшашлиги маълум бўлди – 0,67; кам ўхшашлик Нурота тизмасининг жанубий қисми бриофлораси билан Зирабулоқ-Зиёвуддин

тоғлари бриофлораси орасида аниқланди – 0,30; Нурота тизмаси жанубий қисми ва Зарафшон тизмаси шимолий қисми бриофлораларнинг ўхшашлиги – 0,47; Зирабулоқ – Зиёуддин тоғлари билан ўхшашлиги -0,34 га тенг.


Учинчи бўлимда бриофлора турлари хилма-хиллигини ўрганиш ва тарқалиши ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида 6 та камёб тур (жами турларнинг 7,6 %) қайд этилди. Бу турлар *Amblystegiaceae* (2 тур), *Grimmiaceae* Arnott., *Pseudoleskeellaceae* fam. nov., *Bryaceae* Schwaegr., ва *Brachytheciaceae* Roth. (1 тадан) оилаларига мансуб (3-жадвал). Бу хусусият Ўрта Осиёнинг бошқа бриофлораларида ҳам кузатилган. Таҳлил натижаларига кўра, камёб турлар Қоратепа тоғлари сойларида нисбатан кўпроқ тарқалган (3 тур). Бундан ташқари ушбу жойларда ўзига хос яшаш муҳитлари мавжуд.

**3-жадвал**  
**Бриофлорадаги камёб турларни локал бриофлоралар бўйича тақсимланиши**

№	Таксонлар	Локал бриофлоралар			
		1	2	3	4
1	<i>Bryum terskeiense</i> Par.		+		
2	<i>Cratoneuron curviale</i> (Jur.) G.Roth	+			
3	<i>Grimmia longirostris</i> Hook.	+			
4	<i>Cratoneuron filicinum</i> (Hedw.)	+		+	
5	<i>Eurhynchium savatieri</i> Shimp. ex Besch.			+	
6	<i>Pseudoleskeella papillosa</i> (Lindb.)		+		

Изоҳ.1-Қоратепа тоғлари, 2-Нурота тизмасининг жанубий қисми,3- Зарафшон тизмасининг шимолий қисми, 4- Зирабулоқ-Зиёуддин тоғлари

Тўртинчи бўлимда Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлораси Помир (Бобораджабов, 2010), Ҳисор ва Дарвоз тизмалари (Маматкулов, 1989) бриофлоралари билан қиёсий таҳлил қилинди (3-расм).



**3-расм. Ўрта Осиёнинг турли бриофлоралари ўхшашлик коэффициентлари ( $K_j$ )**

Қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Дарвоз тизмаси бриофлораси Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлорасига нисбатан ўхшашлиги аниқланди. Буни Зарафшон тизмасига географик жиҳатдан нисбатан яқинлиги, ҳамда экологик хусусиятлари ўзаро ўхшашлиги боис қиёсланган

бошқа бриофлоралардан нисбатан яқинлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг бешинчи боби «**Бриофлоранинг экологик-ценотик таҳлили**» деб номланиб, унда йўсинларни экотоп типлари, ўсимликлар жамоасидаги ўрни, яшаш муҳит бўйича, атроф-муҳит намлигига кўра тақсимланишлари ва атмосфера элементлар ёғинлари биомониторингида фойдаланиш масалари ёритилган.

Биринчи бўлимда Зарафшон дарёси ўрта оқими хавзасининг йўсинлартоифалари барча типларга мансуб ўсимлик қопламларида учрайди. Ҳар бир типларда йўсинларнинг маълум турлари ва уларнинг жамоалари устунлик қилади. Бу географик муҳитни кескин дифференциацияси билан боғлиқ бўлиб, ўсимлик қоплами типларининг шаклланиш ва флора элементларининг хилма-хиллиги билан изоҳланади.

Дарахт ва бутазорли ўсимлик қопламининг гуруҳларидан 21 тур йўсинлар аниқланди. Зарангзорлар тупроқ юза қаватида *Brachythecium albicans* (Hedw.) Brach et Schimp., *Bryum caespiticum* Hedw. ва *Syntrichia princeps* (De Not.) Mit. доминантлик қилди. Эпифит йўсинлардан *Orthotrichum crenulatum* Mitt. ва *Syntrichia laevipila* Brid. турлари учради. Зарангзорларда жами 5 тур аниқланди. Ёнғоқзорлардан (*Juglans regia*) юқоридаги формациядан фарқли равишда флористик таркибнинг камбағаллиги ва йўсинлар қопламининг кам ривожланганлиги кузатилди. Тупроқ юза қаватида *Bryum capillare* Hedw., *B. albicans* (Hedw.) Brach et Schimp. турлари устунлик қилди. Эпифит йўсинлар *Brachythecium velutinum* (Hedw.) Schimp., *Orthotrichum cupulatum* Brid., *Pseudoleskeella papillosa* (Lind.) Kindb. ҳисобланади. Ёнғоқзорлардан жами 6 тур аниқланди.

Тупроқ юзасида *Funaria hygrometrica* Hedw., *Dicranum elongatum* Schleich. Ex Schwaegr., *D. brevifolium* Lindb. ва *Bryum schleicheri* Schwaegr. доминантлик қилди. Эпифит йўсинлар дарахтлар танасининг пастки қисмида ўсиб ривожланган ва улардан *Brachythecium salebrosum* (Hoffm.) Br. Eur., *Schistidium apocarpum* (Hedw.) Bruch et Schimp. учради. Дарахтлар шох-шаббасининг остида ва танасини асос қисмида кам миқдорда *Orthotrichum crenulatum* Mitt., *Isothecium alopecuroides* (Lam. Ex Dubois) Isov. аниқланди. Теракзорларда жами 8 тур рўйхатга олинди.

Тўқай ўсимликлар қопламидаги формацияларида, асосан жийдазорда (*Populus pruinosa*, *Elaeagnus angustifolia*, ва тол туркум турлари *Salix*) йўсинлар кам ривожланган. Истисно тарзда баъзи тол формацияларида йўсинлар қоплами нисбатан яхшироқ ривожланган. Эпифит йўсинлар бу ерда деярли мавжуд эмас. Туранғилзор ва жийдазорнинг тупроқ юза қаватида *Bryum funckii* Schwaegr., *B. lonchocaulon* Muell. Hal., *Barbula unguiculata* (Huds.) Hedw., *Crossidium squamiferum* (Viv.) Jur. ва *Pterygoneurum subsessile* (Brid.) Jur. доминантлик қилди. Туранғил ва жийда гуруҳларида жами 3 тур йўсин аниқланди.

Бриологик нуктаи назардан тоғолди минтақалардаги перовский ва трагакантадан иборат яримбутачали жамоаларнинг формациялари ўрганилди. Ушбу ўсимлик қопламларида йўсинлар жуда кам учрайди, улар жами

ўсимлик турларини 5-10 % дан ошмайди. Бутали ва ярим бутачали гуруҳлардаги йўсинлар флора таркибидан *Syntrichia caninervis* Mitt., *Tortula muralis* Hedw., *Bryum terskeiense* Par. кабилар аниқланди.

Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзасидаги ўт ўсимликлар қопламидаги йўсинлар флораси анча камбағал. Тоғолди ўсимликлар гуруҳларида (*Erianthus ravennae*, *Imperata cylindrica*) олиб борилган бриологик тадқиқотлардан аниқланишича, бу жойларда йўсинлар кучсиз ривожланган, йўсинлар қоплами деярли мавжуд эмас. Ушбу жойлардаги тупроқ юза қатламида *Funaria hygrometrica* Hedw., *Bryum funckii* Schwaegr., *B. argenteum* Hedw., *Tortula mucronifolia* Schwaegr. учради. Йўсинлар нисбатан яхшироқ ривожланган паст бўйли ўтлар гуруҳларида *Poa bulbosa*, *Carex pachystylis* доминантлик қилгани маълум бўлди. Бу ернинг йўсинлар қоплами нисбатан бойроқ ва хилма хиллиги билан ажралиб туради. Тупроқ юза қатламида *Tortula muralis* Hedw., *Syntrichia caninervis* Mitt., *T. Subulata* (L.) Hedw. *Crossidium squamiferum* (Viv.) Jur., *Bryum funckii* Schwaegr. доминантлик қилди. Жами 11 тур рўйхатга олинди.

Ўт ўсимликлар қопламида сернам ботқоқли ўсимлик қопламида йўсинлар нисбатан яхшироқ ривожланган. Бу ерда йўсинлар нафақат қоплам таркибига киради, балки фитоценозларда асосий эдификаторлари ҳисобланади.

#### 4-жадвал

#### Йўсинтоифаларни яшаш жойи типларига кўра тақсимланиши

Яшаш жойи типлари	Ҳавзада хаммаси бўлиб	Локал бриофлоралар			
		1	2	3	4
<b>1. Ўртача нам муҳит</b>					
1.1 Ўтчил (мезоморф) жамоа	11	7	6	3	4
1.2 Дарахт ва бутазорларда	21	11	9	7	3
<b>2. Қуруқ яшаш жойи</b>					
2.1 Қуруқ тошли ва шағалли уюмлар ва япалоқ тошлар	11	8	9	10	5
2.2 Бутазор ва яримбутазорларда	7	6	4	5	2
<b>3. Махсус яшаш жойи</b>					
3.1 Тошлар юзасида	15	10	8	6	-
3.2 Қоя тош ёриқларида	12	9	9	7	2
3.3 Ботқоқлашган ўсимликлар қоплами	9	8	9		-
3.4 Сув ҳавзалари ва сув олди ўсиш муҳити	7	4	2	2	-

Изоҳ. 1- Қоратена тоғлари, 2-Нурота тизмасининг жанубий қисми, 3-Зарафшон тизмасининг шимолий қисми, 4- Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари

Зарафшон дарёси ўрта оқими сув ҳавзалари серсувлиги билан ажралиб туради. Манбаларнинг сероблиги бу ерда қалин сув тармоқларини ҳосил қилган. Нисбатан баланд тоғлар атмосферадан намликни ўзлаштириб


кўплаб дарёлар, сойликларни таъминлайди. Сув ҳавзаларида, айниқса сойликлар атрофидаги жойларда йўсинлар кенг тарқалган.

Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси йўсинлари ўсадиган яшаш жойлари, тупроқ намлиги даражаси ва характериға кўра, улар экотоп типларини 3 та гуруҳға ажратилди (4-жадвал).

Сувниғ таркиби ҳам сув ҳавзаларидаги йўсинларнинг ривожланишиға сезиларли таъсир этади. Сув ҳавзалари ва сув олди жойларидан йўсинларнинг 7 тури аниқланди, бу жами бриофлорани 8,9% ни ташкил этди. Таксономик жиҳатдан бу турлар *Riccia fluitans* L., *Ricciocarpus natans* (L.) Corda., *Pellia epiphylla* (L.) Lindb., *Fissidens grandifrons* (Brid.) Limpr., *Cratoneuron commutatum* Broth., *C. filicinum* (Hedw.) Spruce., *Philonotis seriata* Mitt мансубдир.

Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзасидаги ҳақиқий гидрофит йўсинлар таркиби сон ва турлар хилма-хиллиги жиҳатидан анча камбағал. Гидрофитларнинг умумий таркиби 7 турни ташкил этади.

Иккинчи бўлимда йўсинтоифаларни субстратда тақсимланиш таҳлили келтирилган. Бриофлорадаги турлар субстратға муносабатига кўра тупроқ (эпигей), тошли субстрат (эпилит), чириган ёғочда (эпиксил), дарахт танасида (эпифит) ва сувда яшовчи турларға мансуб. Бриофлорадаги турларининг тупроқларида яшовчи 40 тури (51,28%), тошли субстратда 36 тури (46,15%) сувда ўсадиган 7 тури (8,97 %), чириган ёғочда 10 тури (12,8 %), дарахт ва бута танасида 6 тури (7,69%) қайд қилинди. Бу, эҳтимол, она жинсларнинг таъсирида атрофдаги тоғларни кўшилиши ва тошли субстратда аксарият йўсинлар ривожланиши натижасидир. Тупроқда, тошда, чириган ёғочда ва тирик дарахт пўстлоғида 3 турлар (*Bryum caespiticum* Hedw., *B. argenteum* Hedw., *Isothecium alopecuroides* (Lam. Ex Dubois) Isov.) аниқланди. Икки субстратда йўсинларнинг 43 та тури ўсади.




**4-расм. Йўсинларни намликка бўлган муносабатига кўра локал бриофлоралар бўйича тақсимланиши**

Учинчи бўлимда бриофлоранинг муҳит намлигига кўра тақсимланиши келтирилган. Бриофлора турларнинг гидрофитлар, гигрофитлар, мезогигрофитлар, мезофитлар, мезоксерофитлар, ксерофитлар гуруҳлари мавжуд (4-расм). Таҳлиллар натижасига кўра ксерофитлар гуруҳи етакчилик қилди ва ҳавза бриофлорасини 46,2% ни ташкил этди. Мазкур экологик гуруҳнинг юқори даражадаги ўрни ксерофит яшаш жойларини кенг тарқалганлиги билан боғлиқ.

Мезофитлар 25,6%, гигрофитлар 9,0% гидрофитлар 9,0% мезогигрофитлар 3,8% ни ташкил этди. Локал бриофлораларда экологик гуруҳларни кескин фарқни Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари, Қоратепа тоғлари ва Нурота тизмаси жанубий қисмидаги бриофлораларида кузатилди, у жойда мезоксерофитлар устунлик қилди.

Тўртинчи бўлимда йўсинларнинг атмосфера ёғинлари таркибидаги микроэлементларни биомониторингида фойдаланиш масалалари келтирилган. Биомониторинг учун *Brachythecium salebrosum* (Hoffm.) Br., *B. rivulare* (Brucl.) Br., *Pleurozium schreberi* (Brid.) Mitt., *Dicranum elongatum* Schleich. Ex Schwaegr., *Tortula muralis* Hedw., *Funaria hygrometrica* Hedw., *Distichium capillaceum* (Hedw.) Bruch et al., *Orthotrichum anomalum* Hedw., *Tortula inermis* (Brid.) Mont. олинди ва улар кимёвий таҳлил қилинди.

Микроэлементлар бўйича атмосфера ифлосланишининг даражаси сўнги йилларда сезиларли даражада ошгани маълум. Микроэлементлар ҳаводаги масса билан биргаликда, манбадан узоқ масофаларга тарқалиб кетиши сабабли, атроф муҳитда уларнинг салбий оқибатлари дарҳол эмас, балки вақт ўтиши билан пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун мавжуд ифлосланиш даражасини баҳолашда биологик объектлардан фойдаланишга асосланган йўсинлар орқали мониторинг олиб бориш муҳитни ҳолатини баҳолаш мумкин. Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзасида оғир металллар ва бошқа токсик элементларнинг атмосфера ҳавосини атмосфера чўкмаси ҳолатини кузатиш йўли билан ҳавонинг ифлосланиш даражасини баҳолаш бўйича ишлар муҳим аҳамиятга эга.




5- расм. Йўсинлар таркибидаги микроэлементлар миқдорининг (мг/кг) ёғин миқдорига нисбатан ўзгариши

Йўсинларда микроэлементларни тўпланишини қиёсий ўрганиш ҳудудларнинг намлик шароитида амалга оширилди. Ёғинлар миқдори ўрганилган йилларда турлича бўлиши кузатилди.

Масалан 2015 йилда атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори 300-350 мм (меъёрдан 70-75%) ни ташкил этиб, йилнинг анча қуруқ келганини билдиради. 2013 ва 2014 йиллардаги ёғин ўртача (350-400 мм) яқинлашганини кўрсатган (5- расм).

Таҳлил натижаларига кўра, йўсинларда микроэлементларнинг тўпланиши ёғинлар миқдorigа боғлиқ эканлиги аниқланди. 2013-2015 йиллар давомида йўсинлардаги микроэлементлар таркибининг динамикаси сезиларли ўзгариш борлигини кўрсатди. Масалан темир кўрғошин 2 марта ошганлиги маълум бўлди. 2013 йилда 2015 йилга нисбатан кўрғошиннинг ортиши ва шу йилда кадмийнинг камайиши метеорологик шароитга, аниқроғи ёғинлар миқдorigа боғлиқ. 2014 йилнинг нисбатан қуруқ келиши кўрғошин билан ифлосланиш нисбатан юқорилиги аниқланди (6-расм).

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, йўсинларнинг турлар хилма хиллиги ва автомагистраллардан узоқликда ўсиши ўзаро тўғри чизиқли боғлиқликка эга.




**6- расм. Йўсинлар таркибидаги айрим оғир металлар миқдорининг (Pb, Cd) ёғин миқдorigа нисбатан ўзгариши**

Диссертациянинг олтинчи боби "Бриофлоранинг географик таҳлили" деб номланиб, унда бриофлора географик элементлар бўйича таҳлил қилинган.

Бриофлорада арктомонтан элементнинг 11 тури (14,1%) (*Philonotis seriata* Mitt., *Dicranum elongatum* Schleich. ex Schwaegr.), монтан ёки тоғ элементнинг 20 тури (25,6%) (*Tortula subulata* (L.) Hedw., *Mollendoa*

*seravschanica* Broth et Gyorf., *Grimmia donniana* Sm), бореал элементларнинг 16 тури (20,5%) (*Dicranum muehlenbeckii* Bruch et Schimp., *Dicranella heteromalla* (Hedw.) Schimp., *Distichium montanum* (Lam.) Hag., *Brachythecium velutinum* (Hedw.) Schimp), неморал элементнинг 4 тури (5,1%) (*Conocephalum conicum* (L.) Dum., *Pellia epiphylla* (L) Lindb., *Orthotrichum crenulatum* Mitt.), арид (қурғоқчил) элементнинг 17 тури (21,8%) (*Tortula muralis* Hedw., *Gymnostomum calcareum* Br. Germ., *Bryum lonchocaulon* Muell. Hal., *Encalypta vulgaris* Hedw.), қадимгиўртаерденгизи элементининг 4 тури (5,1%) (*Tortula revolutifolia* Laz., *Syntrichia caninervis* Mitt., *Grimmia capillata* De Not., *Fissidens grandifrons* (Brid.) Limpr.), космополит (азонал) элементнинг 6 тури (7,8%) (*Riccia fluitans*, *Ricciocarpus natans*, *Marchantia polymorpha* L., *Bryum caespiticum* Hedw., *Funaria hygrometrica* Hedw) аникланди. Зарафшон дарёси ўрта оқими хавзаси бриофлорасини арид флоралар таъсири натижасида шаклланган турлар алмашинуви ҳисобига ўткинчи монтан (тоғли) флора сифатида ҳисоблаш мумкинки, улар бир бутун бўлиб, нисбатан жанубий бореал флора таъсири остида намоён бўлади (7-расм).



**7- расм. Бриофлорадаги турларнинг географик элементлари бўйича тақсимланиши**

Изоҳ: 1-монтан; 2-арид; 3-бореал; 4-арктомонтан; 5-космополит, 6-қадимўртаерденгизи, 7-неморал

Иккинчи бўлимда бриофлорани географик таҳлили келтирилган. Ҳар бир локал бриофлоранинг географик элементлари нисбатан бутун хавза бриофлораси билан ўхшаш. Шу билан бирга, бир қанча фарқлар мавжуд: монтан элемент хавза бриофлорасини кўпроқ улушини (25,0%) ташкил этади, бошқа барча элементлар ундан кейин туради. Фақат Қоратепа тоғларида монтан элемент етакчилик қилди (29,5%). Қолган барча бриофлораларда арид элементнинг устунлиги қайд этилди (21,2%). Ўртаерденгизи ва неморал элементлар Қоратепа тоғлари ва Нурота тизмасининг жанубий қисмида анча кам миқдорни ташкил этди. Бу фракцияларни таққослаш натижасида ҳам намоён бўлди.

## ХУЛОСАЛАР

«Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси йўсинтоифалари» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлораси 78 йўсинтоифа турларидан иборат бўлиб, улар 2 ажод (*Marchantiopsida*, *Bryopsida*), 11 тартиб, 24 оила, 39 туркумга мансуб. Улардан 2 тури (*Eurhynchium savatieri* Schimp. ex Besch., ва *Bryum terskeiense* Par.) Ўрта Осиё бриофлораси учун илк бор келтирилди.

2. Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлорасининг етакчи оила ва туркумлар спектри Қадимгиўртаерденгиз бриофлораси типи учун характерлидир. Етакчи оилалар *Pottiaceae* Schimp. – 16, *Bryaceae* Schwaegr. – 9 видов, *Grimmiaceae* Arnott. – 10, *Dicranaceae* Schimp. – 7, *Brachytheciaceae* Roth. – 7, *Amblystegiaceae* Kindb.– 4 турни ўз ичига олиб, улар 53 турни бирлаштиради ҳамда бриофлоранинг 67,9% ни ташкил этади.

3. Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси бриофлораси Дарвоз тизмаси бриофлорасига нисбатан ўхшашлиги ( $K_j=0,21$ ) билан ажралиб туради. Бу Дарвоз тизмаси Зарафшон тизмасига географик жиҳатдан яқинлиги ҳамда табиий-экологик шароитлари ўзаро ўхшашлиги билан изоҳланади.

4. Зарафшон дарёси ўрта оқими бриофлораси монтан (20 тур, 25,6%), арид (17 тур 21,8%), бореал (16 тур 20,5%), арктомонтан (11 тур, 14,1%), Қадимгиўртаерденгизи (4 тур, 5,1%), неморал (4 тур, 5,1%), космополит (6 тур, 7,8%) географик элементлардан ташкил топган. Бриофлора таркибида «тоғ» географик элементи етакчилик қилади. Монтан, арид, бореал элементлар турлар хилма-хиллигини яримдан ортиғини (67,9%) ўз ичига олади.

5. Намликка муносабатига кўра турлар ксерофит – 36 тур (46,2%), мезофит – 20 тур (25,6%), гидрофит ва гигрофит – 7 та тур (9,0%), мезоксерофит – 5 тур (6,4%) ва мезогигрофит – 3 тур (3,8%) гуруҳлардан иборат.

6. Зарафшон дарёси ўрта оқими бриофлораси таркибида тупроқда тарқалган турлар – 40 та (40,4%), тошли субстратда – 36 та (36,4%), чириган ёғочларда – 10 та (10,1%), сувли муҳитда – 7 та (7,05%) ва дарахт танасида тарқалган турлар – 6 та (6,05%) ташкил этади.

7. Зарафшон дарёси ўрта оқими ҳавзаси йўсинтоифалари флорасидан 6 та камёб турлар аниқланди, улар жами турларни 7,6% ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Қоратепа тоғлари ва Нурота тоғларининг жанубий қисми турларга нисбатан бой ҳамда ихтисослашувга эга локал флоралар эканлигидан далолат беради.

8. Камёб турларни тарқалишига оид ГАТ хариталар ва атмосфера ҳавоси таркибидаги металл ионлари миқдорини аниқлашга хизмат қилувчи 9 тур йўсинлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятига тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЖАЛОВ ХОЛМУРОД ХАКИМОВИЧ**

**МОХООБРАЗНЫЕ СРЕДНЕГО ТЕЧЕНИЯ БАССЕЙНА РЕКИ  
ЗАРАФШАН**

**03.00.05 – Ботаника**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/B185.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме), размещён на веб-странице Научного совета ([www.floruz.uz](http://www.floruz.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Хайдаров Хислат Кудратович**  
доктор биологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Хасанов Фуркат Орунбаевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Jia Yu**  
кандидат биологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Джиззакский государственный институт**

Защита диссертации состоится «9» октября 2018 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. В.39.01 при Институте Ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: [botany@academy.uz](mailto:botany@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Ботаники (зарегистрировано за № 31). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан « 24 » сентября 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № 7 от «24 » сентября 2018 года)

**К.Ш. Тожибаев**

Председатель научного совета  
по присуждению учёных  
степеней, д.б.н., академик

**Б.А. Адилов**

Ученый секретарь научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, к.б.н., старший  
научный сотрудник

**Ф.О. Хасанов**

Председатель научного  
семинара при научном совете по  
присуждению учёных степеней,  
д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (Phd))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Происходящие в мире климатические изменения оказывают негативное влияние на состояние важных компонентов биологического разнообразия, чувствительных к засухе. В этом отношении, мохообразные отличаются высокой экологической пластичностью и изменчивостью к окружающей среде, что оценка их состояния и обоснование их экологических групп в аридных зонах дополняют сведения о формировании растительного мира в засушливых местах. В связи с этим, инвентаризация мхов в аридных зонах, изучение закономерностей их формирования, выявление редких видов и их охрана приобретают актуальную значимость.

Во всем мире бриофлористические исследования направлены на оценку современного состояния мхов в локальных зонах с комплексом естественных и искусственных экосистем и на проведение биомониторинга компонентов абиотической среды, в частности, состояние почвы и атмосферы с помощью мхов. С этой целью были усовершенствованы методы по созданию международной электронной базы моховидных, доказаны методы определения с помощью моховидных количества микроэлементов и тяжелых металлов в атмосфере, разработаны методы оценки современного состояния ареала распространения редких и исчезающих видов, создана система EUNIS классификации эколого-ценотических особенностей ареала распространения видов. В месте с этим, сравнительное изучение разнообразия моховидных в связи с широким освоением в последние годы территории среднего течения реки Зарафшан, занимающее отдельное место по своему месту и природно-географическим особенностям в Средней Азии и образованием на этой территории различных промышленных зон, оценка современного состояния, определение места моховидных в качестве естественных индикаторов определяющих техногенное загрязнение, а также необходимость внедрения в производство. В связи с этим, составление списка представителей мохообразных среднего течения бассейна реки Зарафшан, выявление экологических и географических их особенностей и внедрение в производство важных их представителей имеют важное научно-практическое значение.

В нашей республике особое внимание уделялось охране природы и сохранению биологического разнообразия. В этом отношении, в том числе, по инвентаризации объектов растительного мира в ботанико-географических районах, охране популяций редких и исчезающих видов и созданию их коллекций достигнуты значительные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> поставлена задача «... профилактика проблем, угрожающих состоянию окружающей среде». При

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

осуществлении данной задачи, в том числе, выявление современного таксономического состояния мохообразных среднего течения бассейна реки Зарафшан, составление их конспекта, выявление редких и новых для региона видов, раскрытие значение индикаторных мохообразных в биомониторинге состава атмосферного воздуха имеют важное научно-практическое значение.

